

ЗАМОНАВИЙ ОММАВИЙ МАДАНИЯТ – ҒАРБ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ТАШУВЧИСИ

Гулбоев Б., тадк. (ҚарДУ)

Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасидаги диалог асрлар мобайнида давом этиб келаётгани, бу диалог тарихий даврларнинг характериға мутаносиб тарзда ўзгариб боргани бизға маълум. Айни пайтда бу буюк цивилизациялар ўртасидаги ўзаро алоқалар ўзининг янги босқичиға қадам қўймоқда.

Албатта, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам муқобил цивилизациялар жўн баҳоланмайди. Масалан, Шарқ мамлакатлари сиёсатдонлари ва олимлари Ғарбдаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ютуқларға, фан ва техника маҳсулларидан оқилона фойдаланиш тажрибасиға, юксак турмуш даражасини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларға ижобий баҳо берадилар. Айни пайтда Шарқда Ғарбдаги оила инқирози, ахлоқий қадриятларнинг емирилиб бораётгани кескин танқид қилинмоқда.

Ғарб мамлакатларидаги давлат арбоблари ва мутахассисларнинг Шарқ цивилизациясига берган баҳолари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Бир томондан, Шарқ мамлакатлардаги ахлоқий қадриятлар барқарорлиги, ҳамжиҳатлик Ғарб оламини ҳайратлантирмай қўймайди. Иккинчи томондан эса, Шарқда сақланиб келаётган традиционализм, патернализм, коллективизм ва Шарқона прагматизм Ғарбда нотўғри талқин қилинаётир.

Ғарбда муҳокама қилинаётган яна бир масалаға алоҳида тўхталмоқ зарур. Ғарб ижодкорларининг қайд қилишларича, XX аср ғарбона қадриятларнинг шарқона қадриятлардан устунлиги таъминланган давр бўлди. Бироқ Ғарб қадриятлари ва мафқураси ғалабаси муваққат бир ҳол, холос. Буни, масалан, Гарвард университети ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институти директори Самуэл Хантингтон ҳам ўзининг “Цивилизациялар тўқнашуви” номли асарида таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, Ғарб

кадриятлари ва мафкураси устуворлиги Шарқдаги диний омилларнинг кучайишига олиб келади. Айнан шунинг учун ҳам С.Хантингтон Шарқ ва Ғарб ўртасидаги янги тўқнашувга тайёрланишга чақиради. Бу борада у ҳатто зудлик билан бажарилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб беради. Биз бу ўринда мазкур вазифаларнинг барчасини тилга олиб ўтирмаймиз. Фақат ушбу вазифалар ғарбона кадриятлар ва манфаатларни кенг тарғиб қилиш масаласи ҳам баён этилганини қайд қиламиз. Бу вазифани бажариш учун эса Ғарб сиёсатдонлари ва мутахассислари зўр бериб замонавий оммавий маданият артефактларига мурожаат қилмоқдалар. Кейинги йилларда оммавий маданият таркибида салбий элементларнинг кўпайиб бораётгани ҳам шундан.

Хуллас, бугунги кунда оммавий маданият артефактлари геополитик муносабатлар элементиға ҳам айланмоқда. Масаланинг ушбу жиҳатиға ҳам эътибор бериш, фикримизча, феномен моҳиятини тўлароқ очиб беришға замин яратади.